

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҚАРАХОНОВА САРВИНОЗ АЛИШЕРОВНА

**НЕВРОЗДА ХАВОТИРЛИ-ФОБИК СИНДРОМНИНГ
ПСИХОЛОГИК СТРУКТУРАСИ ВА ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК
ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

19.00.04 –Тиббий ва махсус психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Қарахонова Сарвиноз Алишеровна Неврозда хавотирли-фобик синдромнинг психологик структураси ва тиббий- психологик ёрдамни такомиллаштириш.....	3
Қарахонова Сарвиноз Алишеровна Психологическая структура тревожно-фобического синдрома при неврозе и оптимизация медико-психологической помощи.....	25
Karakhonova Sarvinoz Alisherovna Psychological structure of anxiety-phobic syndrome in neurosis and optimization of medical and psychological care.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҚАРАХОНОВА САРВИНОЗ АЛИШЕРОВНА

**НЕВРОЗДА ХАВОТИРЛИ-ФОБИҚ СИНДРОМНИНГ ПСИХОЛОГИК
СТРУКТУРАСИ ВА ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК ЁРДАМНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

19.00.04 –Тиббий ва махсус психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Psi64 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.medsport.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибодуллаев Зарифбой Ражабович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимов Улғубек Худаярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Велияева Алия Сабриевна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел./факс: (71) 241-52-45. e-mail.: tta2005@mail.ru, мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail.: tta2005@mail.ru

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Садиков

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Б. Солиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
биология фанлари доктори, к.и.х.

А.А. Хаджиметов

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича хавотирли-фобик бузилишлар меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўртасида энг кенг тарқалган ҳиссий-эмоционал патологиялардан бири бўлиб, сўнгги йилларда замонавий соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб бўлган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро руҳий саломатлик федерацияси (WFMH) маълумотларига кўра, «...25-34 ёшда хавотирли-фобик синдром психоэмоционал бузилишлар орасида 28%ни ташкил қилади...»¹. Бугунги кунда хавотирли-фобик синдромдан азият чеккан беморларнинг психоэмоционал ҳолатини ўрганиш, жумладан, эмоционал сфера кўрсаткичларидан хавотирни, фобияни даражалар бўйича таҳлил қилиш, когнитив функциялардан меҳнатга лаёқатсизликка сабабчи омиллардан ҳисобланган диққат ва хотира концентрация кўрсаткичлари, вегетатив система ҳолатининг ўзаро руҳият билан боғлиқлигини чуқур таҳлил қилиш орқали хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларни даволаш бирламчи аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида меҳнатга лаёқатли ёшда хавотирли-фобик синдром келиб чиқишини олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмида учраган хавотирли-фобик синдромда психосоматик статусни ўрганиш, психоэмоционал ҳолатининг ўзгаришларини когнитив статус кўрсаткичларига қараб, оғирлик даражалари бўйича таҳлил қилиш, ушбу психоэмоционал бузилишлар билан вегетатив асаб тизимининг жавоб реакциялари ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш, психоэмоционал ўзгаришларнинг индивидуал шахс типига боғлиқ ҳолатда юзага чиқишини исботлаш, уларнинг психоэмоционал ҳолатини коррекция қилиш орқали психореабилитация чораларини, психокоррекция усулларини такомиллаштириш масалаларига ечим топиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни янада юқори даражаларга олиб чиқиш, меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларда хавотирли-фобик бузилишларни камайтириш мақсадида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 590-сон Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар

¹ Jacobi F., Hofler M., Strehle J., et al [Mental disorders in the general population: Study on the health of adults in Germany and the additional module mental health (DEGS1-MH)]. *Nervenarzt*. 2014;85(1):77–87.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш

белгиланган. Ушбу белгиланган вазифаларни бажаришда, жумладан, аҳоли орасида турли даражадаги хавотирли-фобик бузилишларни психологик ва психотерапевтик даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий ташхислаш, даволаш усулларини қўллашни такомиллаштириш йўналишларида янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Невроза хавотирли-фобик синдром муаммолари ўзбекистонлик ва хорижлик изланувчиларнинг кўплаб тадқиқотлари предмети бўлган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда республика етакчи мутахассислари Алимов У.Х., Магзумова Ш.Ш., Ашуров З.Ш., Абдуллаева В.К., Алимбаева Ш.Т., Раҳманова Г.А.лар томонидан ўтказилган тадқиқотлар хавотирли-фобик ҳолатларнинг клиник ташхисоти, ривожланиши, клиник кечиши ва прогнозига таъсирини баҳолаш, хавотирли ҳолатларнинг ўсмирларда ўқув жараёнларига таъсири, ёшлардаги хавотирли ҳолатларнинг уларнинг ижтимоий шахслараро муносабатларидаги ўрни каби йўналишларда олиб борилган. Россиялик тадқиқотчилар И.М. Мякотин (2018), И.В. Ганзин (2016), И.А. Мратиниксын ва А.А. А.Коковина (2017), И.А. Погосова, И.В. Никитина, О.А. Сағалокова (2016), Е.В. Фролова, Е.Н. Юрасева, С.А. Павлович (2018), Т.М. Воробьева, О.А. Стаценко ва А.И.Домнина (2016), томонидан хавотирли-фобик бузилишлар бошқа руҳий касалликлар фонида агарофобия, клаустрофобия, специфик фобия, социал фобия, канцерофобия, кардиофобия каби қўшимча симптом сифатида ривожланишини, бирламчи руҳий бузилишлар асорати сифатида ривожланишини, мустақил синдром сифатида ривожланишини, шунингдек, хавотир компонентларининг турли даражада (аффектив, соматик, идеатор,

тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018- йил, № 06, 2.

мотор), баъзан хавотирли-депрессив синдром билан бирга намоён бўлишини, клиник кечиши, олиб бориладиган ташхислаш ва даволаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Узоқ хорижий мутахассислардан А.Cipriani (2016), A.J.Cleare (2017), Н.У Wang (2018), Р.Zheng (2016), R.Strawbridge (2017), S.Rzezniczek (2016), J.X. Pan (2018), S.C.Samra (2006), томонидан хавотирли-фобик бузилишларнинг марказий асаб тизими, юрак-қон томир тизими, ошқозон-ичак тизимига бевосита таъсири ва бунинг оқибатида ривожланадиган турли психосоматик касалликларнинг ривожланишдаги ўрни, бугунги кундаги хавотирли-фобик синдром ташхиси биринчи навбатда симптомларни субъектив идентификациялашга асосланганлиги, ташхис қўйишда объектив усулларни такомиллаштириш туфайли бу бузилишларнинг прогнозига қай даражада таъсир қилиши чуқур тадқиқ этилган.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, кўп сонли тадқиқотларнинг амалга оширилганлигига қарамай, неврозда хавотирли-фобик синдромнинг психологик структураси ва тиббий-психологик ёрдамни такомиллаштириш муаммосини замонавий тиббиёт технологиялари ёрдамида кенг кўламли тарзда ўрганишни ҳамда тадқиқотларни мақсадли ўтказишни тақозо этади. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни хал этишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01.110.0158 «Неврология ва тиббий психологиядаги бузилишларнинг клиник-ижтимоий тадқиқотлари» (2015-2019 йй.), 01.15.00156 «Бош миянинг ўткир ва сурункали касалликларининг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиокимёвий, невровизуал хусусиятларини ўрганиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади неврозда хавотирли-фобик синдромнинг психологик структураси ва тиббий - психологик ёрдамни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хавотирли-фобик синдромнинг клиник структурасини беморларнинг психоэмоционал сфера ўзгаришлари билан боғлиқлигини ўрганиш;

хавотирли-фобик синдром шаклланишини шахс типига боғлаб таҳлил қилиш;

хавотирли-фобик синдром даражалари ва когнитив функцияларнинг ўзгаришлари орасидаги корреляцион боғлиқлик аҳамиятини аниқлаш;

хавотирли-фобик синдромда психотерапевтик ёрдам кўрсатиш алгоритминини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йиллар мобайнида «Neurological centre» хусусий клиникаси ва «Асаб ва Рухият» илмий-тиббий марказида F 40- F 41 билан даволанган 96 та бемор ва 33 нафар соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларнинг анамнестик, клиник-психологик тавсифи, ҳисобланган экспериментал-психологик усулларнинг натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда психологик статусни баҳолаш учун тиббий психологик анкета (Ибодуллаев З.Р. бўйича патент №001031), эмоционал сферани баҳолаш мақсадида HARS шкаласи (Гамилтон бўйича хавотирни аниқлаш), хавотирли-фобик бузилишларда экспресс диагностик сўровнома (диссертантнинг муаллифлик ишланмаси), шахс типларини аниқловчи сўровнома (Айзенк бўйича), диққат концентрациясини баҳоловчи синов (Бурдоннинг корректур синови), «Ўнта сўзни ёдлаш» усули (Эббингауз бўйича), вегетатив статусни баҳолаш учун анкета (Вейн бўйича) услубларидан фойдаланилди. Математик статистика усуллари (фоизли таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони, Р.Фишернинг F-мезони, Манн-Уитни U-мезони, К. Пирсоннинг r-корреляция коэффицентини ҳисоблаш усуллари)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор психоэмоционал бузилишлар негизида бемор учун аслида хавфли бўлмаган вазиятлар ва объектлар сабабли пайдо бўладиган хавотир ва фобия, бошқа психоэмоционал бузилишларга қараганда яққол намоён бўлиши, сурункали тус олиши ва турғунлиги билан хавотирли-фобик синдром шаклланишида ва клиник кечишида муҳим аҳамият касб этиши клиник-психологик текширувлар, вегетатив статусни аниқлаш ва психологик тестлар ёрдамида илмий асосланган;

хавотирли-фобик бузилишларнинг клиник структураси илк бор шахс типларига узвий боғлиқлиги (меланхоликларда хотира пасайиши, фикрлар инертлиги, йиғлокилик, ўзига ишончсизлик, брадикардия, артериал гипотония, брадипноэ, гипогидроз, холерикларда шошқалоқлик, тахикардия, кардиалгия, цефалгия, тахипноэ, артериал гипертония, гипергидроз билан яққол ифодаланган бўлса, хавотир ва фобия аниқланган сангвиник ва флегматикларда эса ушбу психоэмоционал бузилишлар суёт ифодаланиши) ўтказилган психометрик тадқиқотлар натижалари асосида исботланган;

илк бор хавотирли-фобик бузилишлар шахс типларига боғлиқ бўлган ҳолда когнитив функцияларга турлича таъсир қилиши, хусусан диққат тарқоқлиги ва хотира пасайиши кортикал функцияларнинг бевосита издан чиқиши билан эмас, балки хавотир ва фобиянинг диққат концентрацияси ва эслаб қолиш даражасига салбий таъсири туфайли юзага келиши корреляцион тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган;

хавотирли-фобик бузилишларни коррекция қилишда илк бор такомиллаштирилган рационал эмотив ҳуқ-атвор психотерапияси асосидаги алгоритми шахс типи, психовегетатив бузилишлар даражаси ва когнитив функцияларга асосланган ҳолда (меланхоликлар учун шахс хусусиятларини фаоллаштирувчи, холериклар учун мўътадиллаштирувчи тизим) ишлаб чиқилди ва психометрик корреляцион тадқиқот натижалари асосида юқори даражадаги самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хавотирли-фобик синдромни клиник баҳоловчи, хавотирни ва фобияни қисқа муддатда, битта сўровномада жамланган икки хил эмоционал сфера бузилишларини экспресс диагностика қилувчи сўровнома ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этиш тавсия этилган;

хавотирли-фобик синдром шаклланишида шахс типларининг ўзига хослиги ва аҳамияти тўлиқ равишда ёритилган;

хавотирли-фобик синдромда когнитив бузилишларнинг шаклланиши негизда психоэмоционал сфера бузилишлари даражаларининг таъсири кўрсатилган;

хавотирли-фобик синдром психокоррекциясини психоэмоционал стресс профилактикаси ва стрессга қарши иммунитетни шакллантириш асосидаги алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий усуллар ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотлар, олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилигини, беморлар сонини етарлилиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, клиник анамнестик, психометрик, функционал ва вегетатив ҳолатни аниқлаш натижасида олинган илмий асосланган натижалар асосида хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек, асосланган психокоррекцияловчи алгоритмни ишлаб чиқишда ва беморларнинг психоэмоционал сферасини ўрганишга доир тиббий психология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий хулосалар хавотирли-фобик синдромнинг психологик структурасини ўрганишда ва психотерапевтик ёрдам кўрсатишда, шунингдек, экспресс диагностика сўровномасидан хавотирли-фобик бузилишларнинг клиник структурасини эмоционал сфера бузилишларидан келиб чиқиб психодиагностика қилишда, улар билан олиб бориладиган тиббий-психологик ишлар йўналишини аниқлаштиришда, самарадорлиги илмий асосланган рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асосидаги психотерапевтик алгоритмдан комплекс тарзда эмоционал, когнитив ва вегетатив бузилишларни самарали психокоррекция ва психореабилитация қилиш, натижада беморларнинг меҳнатга лаёқатлилигини эрта муддатларда тиклаши, ақлий ва интеллектуал салоҳиятини кўтарилиши, ҳаёт сифатининг ошишига имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Неврозда хавотирли-

фобик синдромнинг психологик структураси ва тиббий-психологик ёрдамни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хавотирли-фобик бузилишлар меланхолик ва холерик типдаги шахсларда яққол симптомлар билан намоён бўлиши ва ушбу бузилишлар беморларнинг когнитив сферасида ҳам акс этишининг психометрик таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н-д/20-сон маълумотномаси). Натижада кўрсаткичлардан тиббий психология амалиётида беморларнинг нафақат субъектив шикоятларини, балки уларнинг шахс хусусиятларини ҳам инобатга олган ҳолатда бажарилиши асосида тиббий-психологик даво самардорлигини кучайтириш имконини берган;

хавотирли-фобик синдромда когнитив ўзгаришлар касалликнинг клиник структурасига, хавотир ва фобия даражалари кўрсаткичлари юқориликка тўғри пропорционал равишда пасайиб боришининг корреляцион таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида тиббиёт ходимлари учун ишлаб чиқилган «Хавотирли-фобик бузилишларнинг эрта диагностикаси ва психотерапияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8н-д/580-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир беморни психологик жиҳатдан ўрганиш, унинг когнитив тизимидаги бузилишларни илмий баҳолаш, объектив тавсифлашни ошириш имконини берган;

хавотирли-фобик синдромда психотерапевтик ёрдамни психоэмоционал ва когнитив сферасидаги бузилишларни эътиборга олган ҳолда ўтказиш зарурлиги, унинг самарадорлиги, хавотирли-фобик синдромнинг психологик структурасига боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлиши асосида олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалиётига жорий этилган (Интеллектуал мулк консултатив марказининг 2020 йил 21 февралдаги №002029 гувоҳномаси). Натижада хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларда ушбу синдромни эрта муддатларда ташхислаш, психотерапевтик ёрдамни такомиллаштириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва меҳнатга лаёқатлилиқни қисқа фурсатларда тиклаш учун зарур бўлган илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлигини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика

журналларида ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хавотирли-фобик синдромнинг психологик структураси ва психотерапевтик ёрдамнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси йўналишида хорижий ва ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари таҳлил этилган, хавотирли-фобик синдром муаммосини ўрганиш соҳасида замонавий психология фанида тўпланган тажрибалар умумлаштирилган, илмий тадқиқотнинг методологик асослари белгиланган, шунингдек, хавотирли-фобик синдромнинг жинс ва ёшга боғлиқ ҳолда ривожланишига доир қарашлар ёритилган. Шарҳланган материалларга таянилган ҳолда диссертация ишининг мазкур қисмида хавотирли-фобик бузилишлар қадимдан илм-фан учун алоҳида қизиқиш уйғотган мавзу бўлишига қарамай, замонавий тадқиқотлар доирасида келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг когнитив, психоэмоционал ва вегетатив ҳолатлар билан алоқадорлиги тадқиқот предмети сифатида кўрилган бўлса-да, бундай алоқадорликларнинг генетик ва биокимёвий сабаблари ўрганилмагани юзасидан умумий хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **«Хавотирли-фобик синдромнинг эмпирик ўрганилиши»** деб номланган иккинчи бобида клиник ва экспериментал-психологик текшириш усулларининг умумий тавсифини ўз ичига олган материаллар ва усуллар баён этилган. Клиник текширишлар «Neurological centre» хусусий клиникаси ва «Асаб ва Руҳият» илмий-тиббий марказида 2017-2020 йиллар давомида бажарилган. Тадқиқотга 129 та шахс, улардан 96 нафари ҳар иккала жинсдаги хавотирли-фобик синдром F40-F41 билан оғриган беморлар киритилган. Беморларнинг ўртача ёши $34,5 \pm 2,3$ ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳи 33 нафар, ўртача ёши $33,4 \pm 1,77$.

Тадқиқот икки босқичдан иборат: биринчи босқичда хавотирли-фобик синдром билан касалланган беморларда психотерапиядан олдинги даврда психологик ҳолатининг клиник-экспериментал ўрганишлари ўтказилди, иккинчи босқичда психотерапевтик тадбирларни стандарт терапияси билан бир қаторда беморларнинг у ёки бу шахсий хусусиятларини аниқлашга

қаратилган клиник кузатув ва психологик тренинглар қўлланилди. Беморларда психокоррекция мақсадида иккинчи босқичда икки хил психотерапия усуллари билан фойдаланилди. Хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларга психотерапевтик ёрдам кўрсатиш ҳақида тузилган алгоритм психоэмоционал ва когнитив сфера бузилишлари коррекциясини ўз ичига олган. Проспектив кузатишларда психокоррекция динамикасини мутаносиб баҳолаш учун тасодифий ажратиш усулида асосий гуруҳдаги 96 нафар беморлар 2 та кичик гуруҳларга ажратилди: I-гуруҳ – 50 нафар беморларга рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асос қилиб олинган психокоррекция алгоритми қўлланилди, II-гуруҳ – 46 нафар беморларга рационал психотерапия қўлланилди. Психотерапевтик таъсир самарадорлигини баҳолаш психотерапиядан олдин ва кейин ўтказилган экспериментал-психологик услублар мажмуасининг натижаларини таққослаш учун 33 нафар соғлом шахслардан иборат назорат гуруҳида ҳам психодиагностик текширувлар амалга оширилди.


Олинган маълумотлар Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакети ёрдамида, статистик ишлов бериш бўйича қурилма функцияларини қўллаган ҳолда статистик қайта ишланди. Нисбий катталиклар, ўртача арифметик кўрсаткичлар, миқдор ва сифат белгилари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун Пирсон (С) алоқадорлик коэффициентини ҳисоблаган ҳолда вариацион статистика усуллари қўлланилди.

Диссертациянинг «**Хавотирли-фобик синдром клиник-психологик хусусиятларининг таҳлили натижалари**» деб номланган учинчи бобда хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларда эмоционал сфера ўзгаришлари натижасида юзага келган когнитив бузилишлар, вегетатив дисфункцияларни ўрганиш имконини берган клиник-психологик текшириш натижалари келтирилган.

Маълумки, хавотирли-фобик синдромда учрайдиган психоэмоционал бузилишлар ушбу касалликни кечилишини оғирлаштиради ва сурункали ҳолатга ўтишига сабаб бўлади. Руҳиятдаги бузилишлар эса беморлар ижтимоий ҳаётига, меҳнат фаолиятига ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатиб, дезадаптацияга олиб келади. Шу сабабдан тадқиқот ишида аввало хавотирли-фобик синдромнинг субъектив белгилари таҳлил қилиб, ўрганилди.


Беморлардаги хавотирли-фобик синдром симптомлари учраш частотаси қиёсий таҳлил қилинганда, иккала гуруҳда ҳам хавотирли-фобик бузилишларнинг учраш даражаси бир-биридан статистик фарқ қилмади ($p > 0,05$).

Тадқиқот ишидаги асосий вазифалардан бири бўлган психоэмоционал сфера бузилишларида психокоррекция усулини қай тарзда ўтказиш лозимлигини белгилаб олиш учун хавотирнинг оғирлик даражасини аниқловчи Гамилтон шкаласидан фойдаландик (1-расм).



1-расм. Хавотирли-фобик синдромнинг субъектив белгилари


Иккала тадқиқот гуруҳларида олинган натижалар энгил ва оғир даражали хавотир кўрсаткичлари бўйича статистик ишонarli даражадаги фаркни ($p < 0,05$), ўрта оғир даражали хавотир иккала гуруҳда деярли тенг нисбатларда учраганлигини кўрдик ($p > 0,05$), назорат гуруҳимизда эса фақат энгил ва ўрта даражали хавотир аниқланди ($p < 0,05$, $F = 2,105$) (2-расм).



Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p > 0,05$

2-расм. HARS шкаласи бўйича хавотир кўрсаткичларининг тадқиқот гуруҳлари орасида баҳоланиши


Беморларда турли даражадаги аниқланган фобия эса беморларнинг муаммоли вазиятларда айнаи вақт ва вазиятдаги субъектив дискомфорт, ҳиссий кечинмалари, нотинчлик, зўриқиш, хавотир, ўй-ташвиш, вегетатив кўзғалиш, асабийлашиш, кўрқув даражасини ифодалаганлиги учун тадқиқот ишида улардаги фобия кўрсаткичларини экспресс диагностика сўровномаси ёрдамида даражалар бўйича баҳоланди. Асосий гуруҳларимиздаги фобия кўрсаткичлари бир-бирига яқин кўрсаткичларни, назорат гуруҳида эса фобия кўрсаткичлари кескин фарқ қилишини ва бу соғлом шахсларнинг психоэмоционал статуси коррекцияга муҳтож эмаслигини кўрсатади (3-расм).



Изох: * p<0,05;

3-расм. Хавотирли-фобик бузилишларда фобия кўрсаткичларининг экспресс диагностика шкаласи бўйича тадқиқот гуруҳлари орасида баҳоланиши

Беморларда аниқланган психоэмоционал бузилишлар негизида индивиднинг фаоллигини белгиловчи базавий тавсифларга – шахс типлари хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Шахслар типининг устунлик қилувчи турини аниқлаш учун Г.Ю.Айзенкнинг саволномаси ўтказилди. Аниқланишича, соғлом ва бемор одамлар шахс типининг турига кўра фарқланадилар. Натижалар хавотирли-фобик синдром аниқланган беморлардан 1-гуруҳда 20,3% беморда (n=10) 15,3±3.8 балл-холерик, 11,82% беморда (n=6) 7,9±4,5 балл-сангвиник, 55,93% беморда (n=28) 7,4±3,8 меланхолик, 11,95% беморда (n=6) флегматик шахс типи аниқланди. 2-гуруҳ беморлар: 12,85% беморда (n=6) 15,3±3.8 балл-холерик, 17,41% беморда (n=8) 7,9±4,5 балл-сангвиник, 63,21% беморда (n=29) 7,4±3,8 балл-меланхолик, 6,53% беморда (n=3) флегматик шахс типи аниқланди (4-расм).



4-расм. Айзенк сўровномаси бўйича шахс типларини тадқиқот гуруҳлари орасида баҳоланиши


4-расмдан кўришиб турибдики, назорат гуруҳида - тақсимланиш бутунлай бошқача юз берди: Сўровнома натижалари қуйидагича: 35,0% (n=7) шахсда

15,3±3.8 балл аниқланди, яъни булар холерик, 15,0% (n=3) шахсда 7,9±4,5 балл ҳисобланди, яъни бу гуруҳ сангвиник, 5,0% (n=1) шахсда 7,4±3.8 балл - флегматик, 45,0% (n=9) шахс меланхолик эканлиги аниқланди (p<0,05).

Назорат ва асосий гуруҳларда типлар бўйича кўрсаткичлар фарқлиниши аҳамиятли бўлди (p<0,05).

Тадқиқотда психоэмоционал сфера ўзгаришларининг когнитив функцияларга таъсирини аниқлаш мақсадида диққат концентрациясини баҳолаш учун - Бурдон корректур синовини қўлланди: 1-гуруҳда диққат концентрацияси 10,86% (n=5) беморда 85,4±3,1 - жуда юқори даража, 15,9% беморда (n=8) 68,4±2,7- юқори даража, 17,39% беморда (n=6) 50,5±3,6 - ўрта даража, 43,47% беморда (n=20) 30,5±4,9 - ёмон ва 23,91% беморда (n=11) 15,8±3,5 - жуда ёмон даража; 2-гуруҳда диққат концентрацияси 15,2% беморда (n=7) 85,4±3,1 - жуда юқори даража, 10,8% беморда (n=5) 68,4±2,7 - юқори даража, 17,39% (n=8) беморда 50,5±3,6 - ўрта даража, 39,1% беморда (n=18) 30,5±4,9 - ёмон ва 17,39% беморда (n=8) 15,8±3,5 - жуда ёмон даража эканлиги кўрилди (p<0,05). Назорат гуруҳи сифатида олинган шахсларнинг психоэмоционал сферасида энгил бузилишлар бўлганлигини ҳисобга олиб, бу текширув усули уларда қўлланилмади (5-расм).

Бурдоннинг корректур синови бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатди-ки, ҳар иккала гуруҳ беморларда диққат концентрацияси хавотир ва фобия даражалари кўрсаткичлари юқориликка тўғри пропорционал равишда функционал тарқоқ эканлиги кўрилди, яъни диққат концентрация жуда ёмон, ёмон ва ўрта даражали беморлар сони диққат кўрсаткичлари юқори беморлар сонига нисбатан 3 баробарга кўп экан (p<0,01).



5-расм. Бурдон корректур синовининг тадқиқот гуруҳлари орасида баҳоланиши

Когнитив сферанинг асосий функцияларидан яна бири-хотира кўрсаткичларининг қай даражада психоэмоционал сфера билан боғлиқлигини ўрганиш мақсадида беморларда хотира Эббингаузнинг 10 та сўзни ёдлаш услуги ёрдамида текширилди (1-жадвал).

1-жадвал**Тадқиқот гуруҳлари орасида Эббингауз усулида хотирани баҳолаш**

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ		2-гуруҳ		Ҳаммаси	
	абс	%	абс	%	абс	%
Паст даража	30	61,7	34	75,2	64	67,0%
Норма даражаси	20	38,3	12	24,8	32	33,0%
Жами	50	100,0	46	100,0	96	100,0

Хотира даражалар бўйича баҳоланганда ҳар иккала гуруҳдаги беморларда хавотир ва фобия даражалари юқори бўлганлиги ва диққат концентрацияси кўрсаткичларида ўзгаришлар борлиги ҳисобига хотирада функционал ўзгаришлар борлиги аниқланди, иккала гуруҳдаги функционал ўзгаришлар фарқи статистик ишонарли даражада эмас ($p>0,05$).

Тадқиқот ишимизда психоэмоционал сфера бузилишлари беморларнинг вегетатив системаси фаолиятига қай даражада таъсир этганлигини аниқлаш мақсадида вегетатив дисфункциянинг субъектив белгиларини аниқлаш учун Вейн анкетасидан фойдаланилди. Беморларни клиник-психологик текширув жараёнида биз, касаллик бошлангандан кейин улардаги мавжуд бўлган шикоятларни Вейн анкетаси ёрдамида субъективлаштирдик. 1-гуруҳда 19 та беморда нормал вегетатив ҳолат ($21,4\pm 3,8$), 31 та беморда вегетатив дисфункция ҳолати ($28\pm 2,05$) аниқланди ($p<0,05$). 2-гуруҳ беморлар текширилганда эса 11 та нормал ҳолат ($19,04\pm 2,3$), 25 та вегетатив дисфункция ($25\pm 1,05$) борлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал**Тадқиқот гуруҳлари орасида Вейн вегетатив дисфункция анкетаси бўйича баҳолаш**

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ	2-гуруҳ	Ҳаммаси
Норма ҳолати	21,4±3,8	19,1±2,3	20,5±3,6*
Вегетатив дисфункция ҳолати	28,0±2,5	25,0±1,5	27,0±2,8*


Изоҳ: *($p<0,05$) солиштирилаётган гуруҳларга нисбатан

Олинган натижалар шуни кўрсатади-ки, ҳар иккала гуруҳдаги беморларда вегетатив дисфункция бир хил нисбатда борлиги ва бу ҳолат хавотир даражаларига мос ҳолда вегетатив системадаги бузилишлар билан клиник намоён бўлганлиги аниқланди ($p<0,05$).

Шу тариқа, мазкур тадқиқотда хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларнинг психологик структурасини шакллантиришда беморлардаги психоэмоционал бузилишлар асосида улардаги когнитив функцияларидаги, вегетатив системаларидаги ўзгаришлар ва шахс типларининг тахминий механизмлари аниқланиб, бу аниқланган янги структура беморларга психологик ёрдам стратегиясини белгилашда асосий маркер бўлиб ҳисобланди.

Диссертациянинг «Хавотирли-фобик синдром билан касаланган беморларда тиббий-психологик ёрдамни такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида хавотирли-фобик синдроми бўлган беморларга психотерапевтик ёрдам кўрсатилгандан кейинги натижалари тақдим этилган.

Хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларнинг рухий шикастланиш асосида беморларнинг ўзида ёки яқинларида учраган оғир касалликка чалинишдан қўрқув ва хавотир, ҳеч қандай сабабсиз қўрқувлар ётганлигини ва бу психоэмоционал сферадаги турли даражали бузилишларни келтириб чиқарганлигини ҳисобга олиш лозим. Хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларда кўпроқ оғир касалликка чалинишдан қўрқув, ўлим қўрқуви, иш қобилиятини йўқотишдан қўрқув, ўзига нисбатан ишончининг бутунлай пасайиб кетиши ва оилавий муносабатлар ўзгаришидан қўрқиш ҳисси борлиги аниқланди. Бунда тиббий психологнинг вазифаси беморга касалликка бўлган ўзининг танқидий муносабатини тўғри ишлаб чиқишда ёрдамлашидир. Шундан келиб чиққан ҳолда бемор ўз қўрқувларини, хулқ-атворидаги ўзгаришларининг қандай шаклланганлигини англаши, қўрқувларнинг илдизидан ётган фикрларни англаши ва бу фикрларга бўлган муносабатини ўзгартириши реабилитациянинг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, бу табиий-ки хавотирли-фобик синдром психокоррекциясига таъсир этмасдан қолмайди.



6-расм. Тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш алгоритми

1-психологик структура; 2-психоэмоционал сфера; 3-когнитив сфера; 4-вегетатив сфера; 5-енгил даража; 6-ўрта оғир даража; 7-оғир даража; 8-нормал функция; 9-дисфункция; 10- нормал функция; 11- дисфункция; 12-холерик; 13-сангвиник; 14-флегматик; 15-меланхолик; 16-мўтадиллаштирувчи РЭҲАП; 17-классик РЭҲАП; 18-фаоллаштирувчи РЭҲАП;


Бизнинг рухий коррекцион психотерапевтик алгоритмимизда беморларнинг психоэмоционал ва когнитив сфера бузилишларини коррекция қилиш орқали беморларнинг бутунлай соғлом ҳаёт тарзини тўлиқ йўлга қўйишдан иборат (6-расм).

Беморларни даволашда рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асосидаги алгоритм ва рационал психотерапиядан қўлланилди. Даволаш самарадорлигини аниқлаш мақсадида беморлар 2 гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳга (n=50) базис давога рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асос қилиб олинган психотерапевтик алгоритм қўшилди.


2-гуруҳга (n=46) стандарт даволаш муолажаларига рационал психотерапия қўшилди.

Даволаш курси сўнгида аниқланган хавотирли-фобик синдром субъектив белгилари 1-гуруҳ беморларда 2-гуруҳга қараганда статистик ишонарли даражада ($p < 0,01$) ижобий динамика кузатилди, функционал тикланиш бўйича 1-гуруҳда деярли 2 баробарга яхшиланиш кузатилган бўлса ($p < 0,01$), 2-гуруҳда бу кўрсаткич 1,4 баробарни ташкил қилди ($p < 0,05$) (7-расм).




7-расм. Текширилган гуруҳларнинг психотерапиядан олдинги ва кейинги натижаларини солиштирма таҳлили

8-расм.
Субъектив белгилар ва ўтказилган психотерапия орасидаги корреляция (r=0,87;r=0,68)




1. Хавотирли-фобик бузилишларда HARS шкаласи орқали хавотир текширилганда, психотерапия ўтказилган ҳар иккила гуруҳда ҳам хавотир даражалари кескин пасайди. Шунини таъкидлаш жоизки, 2-гуруҳдаги беморларда ҳам даволашнинг 10-15 кунига келиб, соматик шикоятлар камайиб, беморлар аҳволи динамикада яхшиланганлиги сабаб руҳий-эмоционал ҳолат бироз яхшиланганлигини кўриш мумкин. Аммо уларнинг руҳан чиниқтирилмаганлиги сабаб, 1ойдан сўнг психоэмоционал статус баҳоланганда кўрсаткичлардаги ижобий ўзгаришлар яна камайганлигини кўриш мумкин. 1-гуруҳ беморларда 2-гуруҳга қараганда статистик ишонарли даражада ($p < 0,01$) ижобий динамика кузатилди. HARS шкаласи бўйича функционал тикланиш 1-гуруҳда деярли 2 баробар яхшиланган бўлса ($p < 0,01$), 2-гуруҳда бу кўрсаткич 1,4 баробарни ташкил қилди ($p < 0,05$) (9(а,б)-расм).




9-расм HARS бўйича хавотир кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили

2. Экспресс диагностика сўровномаси бўйича функционал тикланиш 1-гуруҳда енгил ва ўрта даражали фобия деярли 2 баробарга яхшиланганлигини, оғир даражали фобия бўйича эса деярли 3 баробар яхшиланиш кузатилди (10-а расм), 2-гуруҳда бу кўрсаткич 1,4 баробарга яхшиланишни ташкил қилди ($p \leq 0,05$) (10-б расм).




а)




б)

10-расм Экспресс диагностика бўйича фобия кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили

3. Бурдоннинг корректур синови бўйича ўтказилган психотерапиядан кейинги натижалари таҳлил қилинганда, ҳар иккала психотерапия усули когнитив ўзгаришлардан диққат концентрациясига бир хил таъсир кўрсатмади. Масалан, диққат концентрациясининг жуда ёмон ва ёмон даражаси кўрсаткичлари беморлардаги ҳавотир даражалари пасайишига тўғри пропорционал равишда ўрганилаётган иккала гуруҳда ҳам статистик ишонarli даражада камайди ($p < 0,01$; $r = 0,75$), бироқ ўрта ва юқори даражали концентрация кўрсаткичлари 1-гуруҳ беморларда ижобий динамикани берди, 2-гуруҳда эса статистик ишонarli даражада натижа бермади ($p > 0,05$; $r = 0,68$) (11-расм а, б).




а)



б)


11-расм. Бурдоннинг корректур синови бўйича диққат концентрация кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили

4. Эббингауз усули ёрдамида хотира кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, 1-гуруҳда суест ва нормал даражадаги хотира кўрсаткичлари 2,4 мартагача яхшиланганлигини ($p < 0,05$), 2-гуруҳда эса хотиранинг барча даражаси кўрсаткичларида олинган натижалар статистик ишонarli даражада ўзгармаганлиги кўрилди ($p > 0,05$) (12-расм а, б).




12-расм. Эббингауз бўйича хотира ўзгаришлари (а) ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (б) ($r=0.86$)

5. Даволаш курси сўнгида Вейн анкетаси бўйича аниқланган вегетатив дисфункция кўрсаткичларида 1-гурух беморларда статистик ишонarli даражада ($p<0,05$) ижобий динамика кузатилди, яъни вегетатив дисфункция кўрсаткичларидаги яхшиланиш 1-гурухда 2 баробар ($p<0,05$), 2-гурухда бу кўрсаткич 0,8 баробарни ташкил қилди ($p>0,05$) (13-расм а,б).



13-расм. Вейн бўйича вегетатив ҳолат ўзгаришлари (а) ва корреляцион таҳлил (б)

Беморларнинг психотерапевтик даво самарадорлигига психоэмоционал ҳолатларнинг бевосита таъсири беморлардаги когнитив функциялар ўзгаришлари ва шахс типлари орасидаги боғлиқлик корреляцион таҳлиliga кўра, хавотир; ($p<0,01$; $r=0,78$) ва фобия ($p<0,01$; $r=0,86$) даражаси билан диққат концентрацияси ($p<0,001$; $r=0,75$), хотира ($p<0,01$; $r=0,86$) ва шахс типи хусусияти ($p<0,05$; $r=0,86$) ҳамда вегетатив дисфункция ($p<0,05$; $r=0,76$) орасида кучли корреляцион боғлиқлик аниқланган, яъни психоэмоционал сфера ўзгаришлари даражаси қанчалик юқори бўлса, даволаниш самарадорлиги даражаси шунча юқори бўлади, психоэмоционал сфера ўзгаришлари даражаси қанчалик кам намоён бўлса, даволаниш самарадорлиги даражаси шунча паст самарали бўлади (14-расм).



14-расм. Тадқиқот гуруҳлари орасида ўтказилган психотерапия натижалари орасидаги корреляцияси

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларда руҳий терапевтик ёрдам ташхис қўйилиши билан бошланғич босқичда бошланиши керак, терапия олиш жараёнида психотерапия олиши, даволаниш тугашида янги ҳаётий вазиятларга мослашиш учун шахсни ташқи ва ички ресурсларини жалб қилиш зарурдир. Тадқиқот натижаларига суянган ҳолда, хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларнинг комплекс даволаш терапиясига рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асос қилиб олинган алгоритмни киритиш даволашга тўлиқ ёндашув ва янада сифатли бўлиши ҳақида хулоса қилиш мумин. Хавотирли-фобик синдром билан оғриган беморларга руҳий терапевтик ёрдамни беморларнинг психоэмоционал, когнитив, шахс типи хусусиятлари ва вегетатив статуслари ўзгаришлари асосида кўрсатилиши психоген реакциялар чуқурлашишини пасайишига ёрдамлашади, ижтимоий мослашиш жараёнларини фаоллаширади ҳамда ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари кўтарилиши кўринишида комплекс даволаш натижасида намоён бўлади.

ХУЛОСАЛАР

«Неврозда хавотирли-фобик синдромнинг психологик структураси ва тиббий-психологик ёрдамни такомиллаштириш» мавзусидаги тиббиёт фанлари фалсафа доктори диссертацияси (PhD) бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Хавотирли-фобик синдромнинг клиник структурасини беморларнинг психоэмоционал сфера ўзгаришлари билан боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатади-ки, касалликнинг клиник кечиши ва психотерапия самарадорлиги кўрсаткичлари асосида функционал тикланиш 1-группада деярли 2 баробар кўп кузатилган бўлса ($p < 0,01$; $r = 0,87$), 2-группада бу кўрсаткич 1,4 баробарга ошган ($p < 0,05$; $r = 0,68$), бу кўрсаткичлар асосида айнан психоэмоционал сфера ўзгаришларидан хавотир HARS шкаласи бўйича 1-группада 2 баробарга

($p < 0,01$; $r = 0,63$), 2-гурухда 1,4 баробарга ($p < 0,05$; $r = 0,50$) камайганлиги ва фобия 1-гурухда 3 баробарга ($p < 0,01$; $r = 0,62$); 2-гурухда 1,4 баробарга камайганлиги ($p < 0,05$; $r = 0,51$) аҳамиятли эканлиги корреляцион таҳлил асосида аниқланди.

2. Хавотирли-фобик синдром шахс типига боғлиқ ҳолда ўрганилди ва таҳлил қилинди. Шахс типларидан асосий ва назорат гуруҳларида хавотирли-фобик синдром холерик ва меланхолик типдаги шахсларда бир хил нисбатда учрамаслиги, уларда клиник жиҳатдан бу синдром юзага чиқиши учун ташқи омилларнинг катта аҳамиятга эгаллиги алоқадорлик корреляция таҳлиллари (1-гр. $p < 0,01$; $r = 0,86$; 2-гр. $p < 0,05$; $r = 0,70$) натижасида исботлаб берилди.

3. Когнитив бузилишларнинг хавотир даражаларига боғлиқлигини ўрганиш натижалари шуни кўрсатади-ки, хавотир кўрсаткичлари енгил даражадан оғир даражагача ошиб борганда, когнитив функциялардан – хотира ва диққат кўрсаткичлари тўғри пропорционал равишда пасайиб боради, хавотир ($p < 0,01$; $r = 0,78$) ва фобия ($p < 0,01$; $r = 0,86$;) даражаси билан диққат концентрацияси ($p < 0,001$; $r = 0,75$), хотира ($p < 0,01$; $r = 0,86$) кўрсаткичлари 2,4 баробаргача яхшиланиши психокоррекция билан когнитив функциялар корреляцион боғлиқлиги асосида исботланди.

4. Психотерапевтик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида яққол ифодаланган хавотирли-фобик ҳолатларни эрта босқичларида аниқловчи сўровнома, психоэмоционал фонни коррекциялаш мақсадида рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асос қилиб олинган алгоритм ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Бу алгоритмни даволаш схемасига киритиш бирламчи тизим шароитида даво самарадорлигини ошиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келади.

Мазкур хулосалар асосида хавотирли-фобик синдромнинг даволаш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги амалий тавсияларни шакллантириш ўринли, деб ҳисоблаймиз:

1. Неврозда хавотирли-фобик синдром билан касалланган беморларнинг психологик структурасини шакллантиришда беморлардаги психоэмоционал бузилишлар асосида улардаги когнитив, вегетатив системалардаги ўзгаришлар ва шахс типларининг тахминий механизмлари аниқланиб, бу аниқланган янги структура беморларга психологик ёрдам стратегиясини белгилашда асосий маркер бўлиб ҳисобланди.

2. Неврозда хавотирли-фобик синдромни нафақат фармакотерапия ёрдамида базис даволаш, балки уларда кузатиладиган психоэмоционал бузилишларни ҳам психологик коррекциялаш мақсадга мувофиқдир. Бунда рационал-эмотив хулқ-атвор психотерапияси асос қилиб олинган алгоритмни қўллаш даволашнинг самарадорлигини янада оширади.

3. Хавотирли-фобик синдром билан мурожаат қилган беморларда психоэмоционал ҳолатини баҳолаш психосоматик касалликларни эрта босқичларда тўғри ташхислашга ва самарали психотерапия, фармакотерапиядан фойдаланишга асос бўлиши аниқланди. Тадқиқот жараёнида қўлланилган хавотирли-фобик бузилишларда экспресс

диагностика усули хавотирни ва фобияни қисқа муддатда, битта сўровномада жамланган икки хил эмоционал сфера бузилишлари ва босқичларини тўлиқ ҳамда самарали аниқлашга ёрдам беради. Натижада неврознинг хавотирли-фобик бузилишлари мавжуд бўлган беморларни эрта ташхислай олиш ва даволаш тартибини ишлаб чиқиш орқали касалликнинг кечиши ҳамда даволаш самарадорлигини оширишга эришилади.

4. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда хавотирли-фобик бузилишларда экспресс диагностика усулидан фойдаланиб ташхислаш ҳамда рационал – эмотив хулқ-атвор психотерапиясига асосланган алгоритмдан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида ҳам эмоционал, ҳам когнитив, ҳам вегетатив сферадаги бузилишларни самарали психокоррекция қила олиш имкониятини беради.

Мазкур соҳадаги изланишларни келгусида хавотирли-фобик бузилишларнинг шаклланиши асосидаги шахс типларининг генетик тадқиқотлар билан алоқадорлиги, хавотирли ҳолатларда организмдаги гормонлар ва моддалар алмашинувининг ўзгаришлари билан алоқадорлиги, хавотирли-фобик бузилишларнинг ўсмирларда ўзига хослиги, аёллар организмнинг табиий гормонал ўзгаришлар даврларида (хомиладорлик, лактация, климактерик давр) ўзига хослигини ўрганишга йўналтириш истиқболли, деб ҳисоблаймиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КАРАХОНОВА САРВИНОЗ АЛИШЕРОВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА ТРЕВОЖНО-ФОБИЧЕСКОГО
СИНДРОМА ПРИ НЕВРОЗЕ И ОПТИМИЗАЦИЯ МЕДИКО-
ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ**

19.00.04 – «Медицинская и специальная психология»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Psi64.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.medsport.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet».

Научный руководитель: **Ибодуллаев Зарифбой Ражабович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Алимов Улугбек Худаярович**
доктор психологических наук

Велияева Алия Сабриевна
кандидат медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Андижанский медицинский институт**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (адрес: 100027, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Алмазар, 6 дом. Тел./факс: (71) 241-52-45, e-mail.: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № _____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фарабий, дом 2. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail.: tta2005@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(протокол реестра рассылки № _____ от «___» _____ 2021 года)

А.А.Садиков
Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Б.Солиев
Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологическим наукам, с.н.с.

А.А. Хаджиметов
Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Тревожно-фобические расстройства являются одной из наиболее распространенных эмоциональных патологий среди населения трудоспособного возраста во всем мире и остаются одной из самых острых проблем современной системы здравоохранения в последние годы. По данным Международной федерации психического здоровья (WFMH), «... тревожно-фобический синдром составляет 28% психоэмоциональных расстройств в возрасте 25-34 лет...»¹. Путем изучения психоэмоционального состояния пациентов, страдающих тревожно-фобическим синдромом, включая анализ показателей эмоциональной сферы по уровням тревожности и фобии, углубленный анализ показателей концентрации внимания и памяти и взаимосвязей вегетативной системы от когнитивных функций до инвалидности лечение пациентов с тревожно-фобическим синдромом имеет первостепенное значение.

Во всем мире проводятся исследования, направленные на предотвращение возникновения тревожно-фобического синдрома в трудоспособном возрасте, улучшение его ранней диагностики и лечения. А также широко изучается психосоматический статус пациентов с тревожно-фобическим синдромом в трудоспособном возрасте, проводится анализ изменений психоэмоционального статуса по степени выраженности по показателям когнитивного статуса, выявление взаимосвязи этих психоэмоциональных расстройств с реакциями вегетативной нервной системы, индивидуальность психоэмоциональных изменений, а также проводятся исследования по доказательству возникновения состояния, поиску решений проблем по совершенствованию психореабилитационных мероприятий, методов психокоррекции путем коррекции психоэмоционального состояния пациентов с тревожно-фобическим синдромом.

В республиках целью развития медицинской отрасли в стране, поднятия медицинской системы на более высокий уровень, снижения тревожных и фобических расстройств у пациентов трудоспособного возраста в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018г. №590 были отмечены следующие задачи по «...повышению эффективности, качества и популярности медицинской помощи; а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей оказания помощи и диспансеризации, поддержки здоровый образ жизни и профилактика болезней ... »². В результате появляются возможности для повышения уровня современных медицинских услуг в области психологического и психотерапевтического лечения различных уровней тревожных и фобических

¹Jacobi F., Hofler M., Strehle J., et al [Mental disorders in the general population: Study on the health of adults in Germany and the additional module mental health (DEGS1-MH)]. *Nervenarzt*. 2014;85(1):77–87.

²Указ № - 5590 Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» // Собрание законодательных актов Республики Узбекистан, 2018, № 06, 2.

расстройств среди населения и для углубления научных исследований, для улучшения использования современных методов диагностики и лечения при оказании качественной медицинской помощи.

